

Зинокорлик

08:55 / 07.10.2019 4482

Ассалому алайкум! Дўстимни номидан ёзаман. 5 вақт намоз ўқимоқдаман, рамазон рўзасини қолдирмай тутмоқдаман, хатми Қуръон, таровех намозини ҳам қолдирмай бормоқдаман. Ҳозирда олий ўқув юртига тайёргарлик кўряпман. Репетиторлигим бир хонада бўлади. Бир қиз бор, ўзимдан итарсам ҳам ёпишиб оляпти. Иродам етмаяпти. Зино қилиб қўйишимизга оз қоляпти. Рўзаман десам ҳам тушунмаяпти. Яхшиям гапириб кўрдим, ёмон ҳам гапириб кўрдим. Виждоним қийналиб кетяпти. Қўрқиб кетяпман.

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Сунъий йўл билан бўлса ҳам у қизни ўзингиздан жирканадиган қилиб қўйинг. Шариатимизда икки номаҳрам ёлғиз қолишдан қайтарилган.

نَاكَ الْإِثْمَ ابْنُ جَرِّ نَوَلِّحِي آلَ مَسْوَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ لَوَسْرَ لِقَو
يُذِمُّ رَّتْ لَأْمُهُ أَوْرُ نَأْطِي شِلْ لَأْمُهُ ثَلَاثَ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин! Акс ҳолда учинчилари шайтон бўлур», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

نَمَلْ لَأَجْرَلْ لَأَلَعْرَضَ أَوْ نَفِي دَعَبُ تَكَرَّتْ أَمْ يُذِمُّ رَّتْ لَأَوْ نِي خِي شِلْ لَو
ءَأَسْنَلْ

Икки шайх ва Термизийнинг ривоятида:

«Ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра зарарлироқ фитнани қолдирмадим», дейилган.

Шарҳ: Аёл киши иймон-эътиқодли, диндор, солиҳа, одоб-ахлоқли бўлмаса, балло-офат эканлиги ҳақидаги фикрга ҳатто аёлларнинг ўзлари ҳам қўшиладилар.

Эркаклар бошига кўпгина балолар номаъқул аёллар сабабидан келишини эса тажриба кўрсатиб турибди. Бунга тарих шоҳид. ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан). Валлоҳу аълам!